

## Институтимиз халқаро рейтингга киришга интилоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига 2018 йил 26 июнь куни **Times Higher Education** Россия минтақаси ва МДХ давлатлари юқори рейтинг агентлиги директори Егор Яблоков ва **Elsevier** компанияси Марказий Осиё минтақавий директори Алия Оспановалар ташриф буюришди. Институт ректори Ўктам Умурзаков меҳмонларга институтнинг бугунги кундаги хорижий олий таълим муассасалари билан олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик фаолияти ҳамда эришилган натижалар тўғрисида маълумот берди. Бундан ташқари институтнинг **QS** халқаро рейтинг агентлиги билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари тўғрисида ҳам ахборот берди.



Шундан сўнг, директор Егор Яблоков **Times Higher Education World University Rankings** нинг бугунги фаолияти, дунё таълим муассасаларининг рейтингларни аниқлаш методологияси ва индикаторлари ҳамда **Times Higher Education** га аъзо бўлиш талаблари тўғрисида тақдимот қилди. Учрашувда кўплаб қизиқарли саволларга етарлича жавоб олинди.



Учрашув сўнгида, директор Егор Яблоков Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг **Times Higher Education World University Rankingsra** кириш имконияти мавжудлигини юқори баҳолади ва ҳамкорликда ишлашга келишув имзоланди.



С.Ўринбоев маълумоти.